КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЯКШАНБА № 242 (2.648). Баҳоси 3 тийин.

Агросаноат комплексининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни жадаллаштирингиз!

Мамлакатни озиқ-овқат билан ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашга интилингиз!

Ноқоратупроқ ўлкани обод қилиш суръатларини оширингиз!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

50 ЦЕНТНЕРЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНАДИ

Қумқўрғон районидаги ингичка толали пахта етиштирувчи «Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари дастлабки довондан ошдилар. 1458 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,6 центнердан ипак пахта хирмони қўтарилди. Ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун кураш қизғин давом эттирилмоқда.

Ҳар бир йилнинг ташвишларини пахтакор одатда ўз маҳоратини синовдан ўтказадиган бир имтиҳон сифатида баҳолайди. Ютуқлар, муваффақиятларнинг тақдири эса ана шу имтиҳоннинг энг қийин, мураккаб сарҳадларидан қандай ўтилганлигига боғлиқ бўлиб колади.

Юбилей йили ҳосилини етиштириш катта бир имтиҳон бўлса, уни йигиштириб олишда ютишдиган, самарали ишлаш, ташкилотчилик кўрсатиш яна бир синов. Биз ҳеч качон бу йилгидек терминнинг қунлик суръатида юқори кўрсаткичга эришмаган эдик. Юқори суръатни бир кун, беш кун ёки ўн кун эмас, балки роса бир ойдан кўпрок муддатда бўлишини таъминладик. Натижада планни бажариш муддатини ҳар качонгидан кискартиришга муваффак бўлдик. Бу, аввало, вақтида мўл ҳосил тўплай олганлигимизнинг пировард натижасидир.

Бу йилги табиий шароит пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун жуда ноқулай келганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ёзда парваришнинг бошларидаёк ҳарорат кўтарилиб, кетди. Бу, биринчидан, тўлик гектар ҳосил қилишга ҳалакит бериши, ривожини сусайтириши мумкин эди. Бироқ пахтакорларимиз ҳудди шу юқори ҳароратни ўз иродаларига, бўйсиндира олдилар.

Саратоннинг сўнгги кунларида ҳарорат яна кескин кўтарилиб, пахта ҳосилига жиддий путур етказганини областимиз деҳқонлари жуда яхши биладилар. Шундай шароитда ҳам чигит униб чиққандан бошлаб парваришга катта эътибор берганимиз кўл келди. Чунки бу вақтга келиб барча майдонларимизда мўл ҳосил тўпланиб, у унча-мунча иссиққа бардош берадиган даражада шаклланиб колган эди. Барча бригадаларимизда уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хасан Мухторов бошлик бригаданинг органик ўритдан фойдаланиш усули кенг жорий этилди. Ҳосилни зараркунандалардан биологик метод ёрдамида муҳофаза қилишга ўтиб олдик. Чеканка 20 июлдаёк тўлик тамомланди. Сув танқис бўлган бу йилги шароитда эса сувдан навбат билан фойдаланишни ташкил этдик. Социалистик мусобақа амалга оширган ҳар бир ишимизда жуда яхши самара бериб турди. Бу омилларнинг ҳаммаси жамуржам бўлиб ҳар качонгидан эртаги, ҳар качонгидан мўл пахта етиштиришимизни таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарда берган кўрсатмалари ҳамда йўл-йўриқларига амал қилиб, бу йил сифатли тола етиштириш, ипак пахтанинг аъло тип тола берадиган навларини кўпайтириш диққат марказимизда бўлди. С-6037, Термиз-14 навлари бугунги кунда фақат яхши тола бериши билан эмас, балки ҳосилдорлиги юқори бўлиши билан ҳам характерли эканлигини пахтакорларимиз ўз тажрибаларида исбот қилмоқдалар.

Ингичка толали пахтани етиштириш мураккаб иш бўлса, уни йигиштириб олишда терим техникасидан самарали фойдаланиш ҳам катта вазифадир. Хўжалигимизда ипак пахтани машинада териш салмоғи йил сайин ортиб боряпти. Бу йилги мавсумда далаларимизда 14 та терим агрегати юқори унум билан ишлатилмоқда. Ҳозиргача уларнинг ҳар бири билан 80 тоннадан ошириб пахта теришга муваффак бўлинди.

Колхоз партия ташкилоти терим мавсумида участкалар, бригадалар, механик-ҳайдовчилар, тележкачилар ўртасида социалистик мусобақани намунали ташкил этди. Социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун ясалиб, голиблар кўпчиликнинг ўртасида мукофотлар билан тантанали равишда тақдирланмоқда. Мусобақанинг бундай уюштирилиши меҳнат беллашувини кучайтириб, ҳамма қим ўзарга меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда колхоздаги пахтачилик бригадаларининг аксарияти юксак мажбурият ҳисобига пахта топшираётганлиги ҳам ана шу ташкилотчилик самарасидир. Ҳасан Мухторов бошлиқ бригада аъзолари эса юбилей йилида ҳар гектар майдондан 72 центнердан ипак пахта етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Фақат социалистик мусобақа эмас, агитаторларимиз, снёсий ахборотчилар ҳамиша далада бўлиб, пахтакорларимизни ўзларининг сўхбатлари, даъватлар сўзлари билан катта сафарбарликнинг қарор топишига муносиб улуш қўшдилар. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати пахтакорларни янада ғайрат билан ишлашга даъват этмоқда. Мурожаатдаги қўйидаги сатрлар биз идеология ходимларини сабот билан ишлашга, ундаяпти. **«Ҳосил теримида ташкилотчилик ва снёсий савияни оширингиз, социалистик мусобақанинг кенг ошкоралигги ва таъсирчанлигига эришингиз, энг яхши пировард натижаларни, энг юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун идеология ишининг форма ва методларини такомиллаштирингиз».**

Колхозимиз пахтакорлари биринчи довондан ошиб, юксак марра—30 центнерлик ипак пахта хирмони бунёд этиш учун олиб боришаётган курашда буни чуқур ҳис этадилар, адбатта. Далаларимизда ҳозир иш қизғин. Пахтакорларимиз терими юксак уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Бирор грамм пахтани ҳам сира нобуд қилмай эл хирмонига етказиб берилади. Далаларимизда ҳосил мўл. Мўлжалимиз ҳам аниқ. Юксак мажбуриятни шараф билан бажариб, СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз. Ҳозирги бутун сафарбарлик ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

О. ҚАРОРОВ,
Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхози партия ташкилотининг секретари.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА ВА ИШЧИ КУЧИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўтган куни республика тайёрлов пунктларига 65.744 тонна пахта топширилди, шунинг 47.716 тоннаси бункерлардан бўшатилди. Тайёрланган 6.433 тонна ингичка толали пахтанинг 2.974 тоннаси машиналарда терилди.

Мавсум бошидан бери 4.656.332 тонна пахта терилди, унинг 2.434 минг тоннаси бункерлардан бўшатилди. Мавсумда тайёрланган 355.754 тонна ингичка толали пахтанинг 150.292 тоннаси машиналарда терилди.

ҚҚАССР

Автоном республикада 32 колхоз ва совхоз социалистик мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқда. 23 октябрь куни яна 6 хўжалик ғалаба рапортига имзо чекди. Булар — Беруний районидаги **«Правда» колхози.** Хўжайли районидаги **Энгельс номли колхоз.** Элликқалъа районидаги **Охунбобоев номли совхоз, «Ленинград» колхози, «Элликқалъа» ва Оржоникидзе номли совхозлардир.**

Фарғона

Қува районидаги Димитров номли колхоздан **Улуғ Ватан урушн ветерани Тожимамат Халилов ўз оила аъзолари — Оминахон, Фотима, Зухра, Дилфуза, Феруза, Муҳаббатхонлар билан мавсумда 25 тонна пахта терди.** Улар кунига хирмонга 300—350 килограммдан хом ашё топширишяпти. Халиловлар оилавий звеносининг мажбурияти — 35 тонна «оқ олтин»дир.

Тошлоқ районидаги М. Горький номли колхозда **Йўлдошали Иброҳимов бошлиқ оилавий звено ҳозиргача 18,5 тонна «оқ олтин» терди. Ўртоқ Иброҳимов умр йўлдоши Руқияхон, қизлари — Одинахон ва Озодой, ўғиллари — Шуҳрат, Ҳасан ва Ҳусанлар билан ҳар куни 500—550 килограммдан пахта термоқда.**

Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхозда **илғор механизатор Рауф Саидов ўз агрегати бункеридан кунига 4 тоннадан хом ашё тўкмоқда.** Шу кунгача у уйган хирмон 136 тоннага етди.

Сурхондарё

Жарқўрғон районидаги **«Партия XXII съезди» колхози аршунослари 913 гектар** ернинг ҳар гектаридан 37,5 центнердан ингичка толали пахта топширио, йиллик планни адо этдилар. Эл хирмонига 3.430 тонна ипак пахта топширилди. Область Советининг депутати Кумушой Холбоева, Қарши Ўтаев, Эшонқул Ҳудойназаров, Олламурод Бекгеиров, Ғойиб Маматқулов, Иброхим Соғидовлар бошлиқ илғор бригадаларда ҳосилдорлик 40-45 центнерга етди. Ойбаланд Қувонликова, Норхон Валиева, Шохсанам Эрматова ва Аширгул Чоршанбаева каби чевар теримчилар мавсумда хирмонга 10-12 тоннадан пахта топширишди. **Хўжалик аъзолари яна 700 тонна пахта топширио, ҳосилдорлик 45 центнерга етказишга сўз беришди.**

Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз деҳқонлари ҳам маррага етишди. Хирмонга топширилган 9.108 тонна хом ашёнинг 4.900 тоннаси ипак пахтадир. Хўжалик аъзолари ялпи ҳосилни 12,5 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Самарқанд

Каттақўрғон районидаги ижки хўжалик — Крупская номли колхоз ва Мичурин номли совхоз довон ошди. Ж. Бобоев, Д. Ҳамидов, Р. Шодиев, Д. Ғаниев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 35-40 центнерни ташкил этди. **Бу коллективлар 50 центнерлик марра сари интилмоқдалар.**

Тошкент

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аршунослари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. 1.130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтарилиб, давлатга 3.800 тонна хом ашё сотилди. Абдулатиф Утешов, Беҳзод Пашалиев, Кибар Ризвоновлар бошлиқ бригадаларда 43-40 центнердан ҳосил кўтарилди. Хўжаликнинг Шокир Эсонов, Турсунбек Дуканов, Гаффор Ўтанов каби илғор механизаторлари ўз бункерларидан 230-185 тоннадан хом ашё тўкиб, алоҳида ибрат кўрсатдилар.

Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Турсуной Охунова ўз социалистик мажбуриятини ошириб бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Донгдор механизатор эл хирмонига 450 тонна ўрнига 458 тонна хом ашё топширди.

Бухоро

Ипак пахта тайёрлаш бўйича Ғиждувон райони меҳнаткашлари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. 22 октябрь куни районда 469 тонна қиммат баҳо хом ашё тайёрланди. Бу йиллик планнинг 3 процентини ташкил этади. «Партия XXVI съезди» ва «Пахтаобод» колхозларида бу кўрсаткич 3.5-4 процентга етмоқда. «Партия XXVI съезди» колхозидан чевар теримчи Норбибиш Самиева шу кунгача хирмонга 12 тонна ингичка толали пахта топширди.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Қоракўл районидаги **«Правда колхози пахтакорлари маррага етдилар. Давлатга 5.100 тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳосилдорлик 40,5 центнерни ташкил этди. Хўжалик деҳқонлари яна 1000 тонна пахта топширио, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.**

Сирдарё

Оқолтин райони механизаторлари алоҳида жасорат кўрсатиб ишлашмоқда. Шу кунгача районда 61 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» бункерлардан бўшатилди.

Шу райондаги «Андижон» совхозининг **Амир Равшанов, Халил Деҳқонов бошлиқ бўлимларида оширилган соцналистик мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.** Бу бўлимларда ҳосилдорлик ўртача 33 центнерга етиб, совхоз хирмонига жами 3.438 тонна «оқ олтин» топширилди.

Ворошилов районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мухтор Холматов ва Рўзибой Мавлоновлар бошлиқ бригадалар социалистик мажбуриятларини адо этишди.** Бу иккала коллектив хирмонга 367 тонна «оқ олтин» топширди.

Наманган

Областдаги барча меҳнат коллективларида республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати қизғин муҳокама қилинди. Йиллик планларини муддатидан илгари адо этган 95 бригада ва звено бу оташин чақириққа жавобан ҳар гектар ердан яна 10 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта топширишга аҳд қилди. Улар орасида Уйчи районидаги «Ленин йўли» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Дадабоева. Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозидан СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Шарипов, Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жўраев, Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби Алиёр Арслонов ўртоқлар бошлиқ коллективлар бор.

Андижон

Область совхозларининг бўлимлари орасида биринчи бўлиб Андижон районидаги «Ямбол» совхозининг **Тўлқинбой Назаров бошлиқ бўлими маррага етди. 503 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтарилди. Мавсум охиригача бу кўрсаткич 40 центнерга етади.**

Область бўйича 93 бригада, шу жумладан Москва районидан — 21, Бўз районидан 20 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозидан **Мамазокир Қодиров** ҳар куни ўз машинасида 8-10 тоннадан пахта термоқда. У республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан ўз мажбуриятини қайта кўриб чиқди, эл хирмонига камида 450 тонна «оқ олтин» топширишга ваъда қилди.

Шу куннинг қаҳрамонлари

ЗАМИН ЗАРГАРИ

Машаққатли юмушни бажаришни игна билан кудуқ қазишга қиёслашади. Она заминга барака уруғи қадаб, «оқ олтин» ундириш ундан ҳам оғирроқдир. Зариф ака Қурбонов ана шундай қийин касб — пахтакорлик касбини танлаб кам бўлмади. Ҳозир у фақат Хоразм воҳасида эмас, балки серқўёш республикамизда ҳам энг тажрибали пахтакорлардан бири ҳисобланади. У Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли, машъал Наримонов номли колхозда кўп йиллардан буён бригадага саркорлик қилиб келяпти. Бу захматкаш деҳқон бош бўлган коллектив аъзолари йил сайин пахтадан юқори ва сифатли ҳосил кўтариб, кўпчилик ҳурматини қозонмоқда.

Бригада аъзолари юбилей йилида 80 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Дастлабки довонни ортда қолдирган миришкорларнинг шу кунлардаги асосий эътибори ҳосилдорликни гектар бошига 65 центнерга етказишга қаратилган.

Ҳар бир сатри ватанпарварлик ҳис-туйғулари билан тўлиб тошган республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Қурбонов етакчилик қилаётган бригада пахтазорларида ҳам меҳнат симфонияси авжида. Бу ердаги барча ишлар етиштирилган мўл ҳосилнинг бир мисолини ҳам исроф қилмай, йиғиб-териб олишдан иборат бўлмоқда. Бу борада қилинаётган меҳнат уларга янгидамянги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритиш имкониятини беряпти. Бу ютуқларда бригада етакчиси Зариф аканинг катта улуши бор.

К. ҲАМРОЕВ.

Рассом Маҳмуд Жўраев чизган бу расмда донгдор бригада бошлиғи, уста пахтакор Зариф Қурбонов тасвирланган.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,30	105,34	0,26	102,17
Хоразм	1,00	95,28	1,27	82,57
ҚҚАССР	1,15	90,46	1,43	76,93
Бухоро	1,20	88,64	0,88	34,82
Навоий	1,12	83,16	1,41	57,02
Сурхондарё	1,00	81,20	0,40	53,51
Сирдарё	0,94	78,25	0,68	80,19
Жиззах	1,34	73,20	0,89	70,33
Наманган	1,05	72,52	0,93	47,32
Андижон	1,17	71,11	1,74	50,28
Қашқадарё	1,40	70,21	1,97	53,20
Самарқанд	1,58	68,38	2,36	54,47
Фарғона	1,14	65,77	1,64	46,15
Республика бўйича	1,11	79,05	1,22	62,10
Шу жумладан ингичка толали пахта.				
Навоий	2,08	117,32	3,25	84,20
Сурхондарё	1,34	97,85	0,75	78,33
Наманган	1,26	84,28	2,10	30,50
Бухоро	2,90	79,27	0,79	6,67
Қашқадарё	2,00	77,68	2,03	44,99
Республика бўйича	1,65	91,22	1,26	63,68

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми суд органларида кўп йил самарали ишлаганликлари, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзолари Фатҳулла Азимович **Асамутдинов**, Алимбет **Кайпназаров** ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлади.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМИ

СССР саноатида давлат планининг 1982 йил тўққиз ойи мобайнида бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида бундай дейилади: саноат ходимлари шу йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришни таъминладилар.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 2 процент ошди; саноат ишлаб чиқариши ўсишининг тўртдан уч қисмига шу йўл билан эришилди. Маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган план бажарилди. Фойда кўпайди.

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қўйидагича бўлди: электр энергия — 997 миллиард киловатт-соат; нефть (газ конденсанти қўшиб ҳисобланган — 456 миллион тонна); газ —368 миллиард куб метр; кўмир —539 миллион тонна; пўлат—111 миллион тонна; қора металлар прокати (тайёр) 77,2 миллион тонна; пўлат қувурлар—13,5 миллион тонна; темир рудаси 183 миллион тонна; минерал ўғит (тўйимли моддаларнинг 100 процентига айлантириб ҳисоблаганда —20,3 миллион тонна; ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари (шартли бирликларда)— 398 минг тонна; синтетик смола ва пластмасса —3,0 миллион тонна; химиявий тола ва ип —933 минг тонна; автопокришкалар — 46,0 миллион дона; металл қирқиш станоқлари — 1565 миллион сўмлик; программа асосида бошқариладиган автомат манипуляторлар (саноат роботлари) — 3,6 минг дона; приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари 3,5 миллиард сўмлик; ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг запас қисмлари —2,1 миллиард сўмлик; химия машина-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари 578 миллион сўмлик; енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология машина-ускуналари ҳамда уларнинг запас қисмлари — 1,1 миллиард сўмлик; магистрал юк вагонлари — 43,9 минг дона; автомобиллар — 1,6 миллион дона; қишлоқ хўжалик машиналари — 2,5 миллиард сўмлик; чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машиналари — 1,7 миллиард сўмлик; дон йиғиш комбайнлари 83,0 минг дона; пахта териш машиналари — 7,5 минг дона; экскаваторлар—32,2 минг дона; қоғоз—4,1 миллион тонна; цемент—92,1 миллион тонна.

Ҳамма турдаги газламалар — 8,2 миллиард квадрат метр; тикилган буюмлар — 17,4 миллиард сўмлик; ички ва устки трикотаж — 1,2 миллиард дона; чарм пойабзал — 541 миллион жўфт; гўшт (саноат ишлаб чиқаргани) — 6,7 миллион тонна; колбасалар — 2,3 миллион тонна; озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулоти, жумладан балиқ консервалари— 4,8 миллиард сўмлик; Сариёғ — 1,1 миллион тонна; ўсимлик ёғи — 1,7 миллион тонна; кондитер маҳсулотлари — 2,9 миллион тонна; консервалар— 12,5 миллиард шартли банка; соатлар — 52,4 миллион дона; чинни-фаянс ва майолика идишлар — 624 миллион сўмлик; навли идишлар (шиша ва биллур — 970 миллион сўмлик; радиоприёмник қурилмалар — 6,5 миллион дона; — телевизорлар — 6,2 миллион дона, шу жумладан рангли телевизорлар — 2,3 миллион дона; холодильниклар — 4,4 миллион дона; кир ювиш машиналари — 3,0 миллион дона; мотоциклларва моторолларлар—8,25 минг дона; мебель — 5,0 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди.

Газ, кўмир қазиб чиқариш, автомобиль покрышкалари, металл қирқиш станоклари, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология машина-ускуналари, электровозлар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, ҳамда чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машиналари, экскаваторлар, халқ истеъмол қиладиган кўпгина моллар, шу жумладан, газламалар, озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, кондитер маҳсулотлар, соатлар, чинни-фаянс ва навли идишлар, мебель ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулотнинг умумий ҳажми, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини камайтириш, жамғарма тўплаш юзасидан белгиланган планларини бажара олмади.

Қора металларнинг тайёр прокати, минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, иморатбоп ёғоч, цемент, йиғма темир-бетон, сариёғ, консервалар, холодильниклар, кир ювиш машиналари ва бошқа баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди. Маҳсулотларнинг истеъмолчиларга тузилган шартномаларга ва ижро этиш учун қабул қилинган нарядларга мувофиқ етказиб бериш тўла-тўкис таъминланмади. Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини кўтариш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Икки мингдан ортиқ янги турдаги саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди.

Саноат роботлари, радиоэлектрон аппаратлар, техникавий-иқтисодий параметрлари анча юқори бўлган машина ва ускуналар, нефть ва газ конларининг асбоб-ускуналари, магистрал газ қувурлари учун газ жўнатиш агрегатлари, қувур ётқизиш машиналари, программа асосида бошқариладиган металл қирқиш станоклари ишлаб чиқариш кўпайди.

Саноатда машина-ускуналардан фойдаланиш бир мунча яхшиланди.

Ишлаб турган корхона ва цехлар техника билан қайта қуроллантирилди ва реконструкция қилинди.

Саноат ходимлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

(ТАСС).

СССР *60*

ЭЛГА БАҲШИДА УМР

90 ёшли Тешабой ота Ленин районидаги ўзи яшаб турган Ленин номли колхоз пахтазорига етиб келганида йигим-теримда иштирок этаётган ёшлар дастлабки этак пахталарини топшира бошлаган эдилар.

— Яшанглар, азаматлар! — деди ота улардан бирининг елкасига қоқиб.

Шу пайт нариги картада «зангори кема»лар ҳам ишга тушиб кетди. Оппоқ пахталар машина шпинделининг орасидан сирғалиб ўтиб, бункерга туша бошлади. «Замонани қаранг. Ҳамма нарса техника зиммасида. Охир бундан бир неча йил муқаддам мана шу ишларнинг барчаси қўлда бажарилмасмиди?!». Ота ана шуларни ўйларкан беихтиёр ўз ўтмиши кинолентасидагидай кўз ўнгидан ўта бошлади...

Эсида. Эндигина ўн ёшга қадам қўйганида уни бой эшигига топширишди. Ўйқу, ҳаловат нималигини билмади.Қўш ҳайдади, сигир боқди, экин экди. Аммо унинг машаққатли меҳнати фойдасини бой кўрди. Ўзи эса бармоғини тишлаб қолаверди. Фақат Улуғ Октябрь Социалистик революцияси туфайлигина Тешабойга ўхшаган чораклорларнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Аммо эндигина оёққа туриб келаётган ёш Совет ҳукуматига инқилоб душманлари ҳар томондан ҳужум қила бошлашди. Ўша пайтларда Фарғона водийсининг Андижон вилоятида ҳам босмачиларнинг қонхўр тўдалари бор эди. Улардан Октябрь Революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш лозим эди. Тешабой Матёқубов биринчилардан бўлиб, қўлига қурол олди ва босмачиларга қарши курашга отланди.

Эҳ-ҳе, у кимлар билан курашмади, дейсиз. Аҳмад Пансот, Мадаминбек, Кўр Шермат, Эргаш қўрбошилар бошчилигидаги қонхўр тўдаларга қарши туришнинг ўзи бўладими?! Айниқса, пастки Лабғардон қишлоғида бўлиб ўтган қақшатғич жанг ҳали-ҳали унинг эсида. Ўшанда Тешабой бошлиқ қизил аскарлар кутилмаганда душманнинг ён томонидан ҳужум қилиб, уни эсанкиратиб қўйишганди. Бу операция планини Тешабой Матёқубов ишлаб чиққанди. Қўрбошилар бу ёш йигитнинг жанг устаси эканлигини билишгач, уни йўқ қилиш пайига тушди. Йўлига пистирмалар қўйди. Бу ҳақда ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаси Ойбек шундай деган эди: «...Меҳнаткашлар манфаати ва партия, ҳукумат йўли учун курашда Тешабойнинг бошида ўлим неча маротаба қанотини керади. Лекин, душман ниятига ета олмади». Кейинчалик Тешабой Андижон ўқчи аскарлар қисмлари составида босмачиларга қарши курашни қизғин давом эттирди.

1929—1930 йилларга келиб, водий хийла тинчигандек кўринган бўлса-да, ҳали ҳам синфий душманлар бор эди. Пастки Лабғардон қишлоғида колхоз тузишга киришганида ва янги тузилган «Янги деҳқон» колхозига раис бўлганида Тешабой бунга янада аниқ сезди. Қўлида қуроли билан енгилган душман эндиликда одамлар онгини заҳарлаш, колхозлаштиришга қаршилик кўрсатиш, янги тузилган хўжаликларга ҳар томонлама зарар етказишга ҳаракат қиларди. Коммунистик партия раҳбарлигида иш юритган Тешабойга ўхшаган ёшлар бу душманларни ҳам тантомири билан йўқ қилиб ташлашди ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни тезроқ амалга ошириб, шу йўл билан кўпроқ пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга эришишди.

...Кечагидек ёдида. Унинг янги колхоз раҳбари сифатида республика пойтахти — Тошкентга йиғилишга юборишди. Унда Ўзбекистоннинг атоқли партия арбоби Акмал Икрамов нутқ сўзлади.

— «Ватан биздан пахта кутяпти, — деган эди у. — Қўрқларни, ташландиқ ерларни тезроқ ўзлаштириш керак. Кўплаб сифатли пахта етиштириш навбатдаги муқаддас вазифадир».

Қаата таассуротлар билан йиғилишдан қайтган Тешабой енг шимариб, астойдил ишга киришди. Маҳжуд ерлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга қишлоқнинг Қўнғтепа бўлимидаги ташландиқ ерларни ўзлаштиришга жамоатни жалб этди. Қисқа даврнчида ташландиқ ерлар ўрнида экинзорлар бунёд бўла бошлади. Ўз меҳнатининг самарасини кўрган одамлар янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қила бошладилар, кўплаб янги ерлар ўзлаштириб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиқ экинлари экишди. Шу йўл билан Ватаннинг пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларига бўлган талаби тобора кўпроқ қондирила бошланди.

Янги ерлар ўзлаштиришда катта тажриба орттирган Тешабойни кейинроқ партия Андижон областининг бошқа районларига ҳам юборгани. Бугунги кунда бағрларга бурганган Ниёзботи, Қоратепа. Олақанд қишлоқлари атрофларидаги ерларни ўзлаштиришга ҳам Тешабой сингари ажойиб кишилар бош-кош бўлдилар.

Андижонлик ер қаҳрамони Тешабой Матёқубов республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги бир группа илғорлар қаторида Москвага — колхозчиларнинг биринчи қурултойига борди. У ерда Тешабой илгор рус деҳқонлари билан учрашди. Уларнинг бой тажрибаларини ўрганди. Москвадан қайтгач янада зўр ғайрат билан меҳнат қила бошлади. Унинг ташаббускорлиги, фидоийлиги, элюрт иши учун жон қуйдиришини кўрган қишлоқ меҳнаткашлари унга ишонч билдириб, астойдил ишлашди. Тешабой ўзига қандай вазифа топширилмасин ҳамиша вақтида ва сифатли бажариб, кўпчиликка намуна бўлди.

30-йилларда Тешабой Матёқубов каби оловқалб активлар Фарғона водийсида анчагина эди. Улардан бири 1930 йилдан КПСС аъзоси Тожихон опа Нўлатовадир. У Тошкентдан партия топшириғи билан янги ер ўзлаштиришни ташкил этиш учун Андижонга келган эди. Тожихон опа тез орада халқнинг севимли ташкилотчисига айланди. У партия топшириғини ҳамиша бенуқсон бажарди. Аҳолини фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштиришга сафарбар этар, деҳқончиликда ҳосилдорликни ошириш борасида қимматли маслаҳатларни берарди. Ҳозирги кунда Андижонда Тешабой ота ва Тожихон опаларнинг минглаб издошлари бор. Улардан бири Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодатхон Мўйдиновадир. У янги ерлар ўзлаштириш, пахтачиликда юқори ҳосилдорликка эришиш соҳаларида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Тешабой ота қўриқ ерларни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатган Инобатхон Абдуллаева ва Масодиқ акаларни ҳам эсга олди. Айни кунда ҳам Хўжабод районидаги Киров номли совхозга директорлик қилаётган Масодиқ Мадиёров янги ерлар ўзлаштиришга актив иштирок этганлардан бири эди. Кейинчалик у ўзлаштирган ерлар базасида янги совхоз тузилиб, унга коммунист Масодиқ Мадиёров директор этиб тайинланди.

Ҳа. Ўша даврларда қўриқ майдонларни ўзлаштириш самара бермайди, деганлар кўп эди. Лекин Масодиқ ва Тешабойга ўхшаган оловқалб кишилар комил ишонч билан астойдил меҳнат қилишди. Уларнинг жасоратлари эвазига бугунги кунги минглаб гектар пахтазорлар барпо этилди.

...Ана шуларни кўз олдидан ўтказар экан, Тешабой ота анча ёшариб кетгандек бўлди. Ёшлар орасига кириб, ўзи учун «мўъжиза» бўлган чаноқлардаги лўппилўппи пахталарни тера бошлади.

— Отахон, пахтамиз қанча мўл бўлса ҳам, уни ўзимиз саранжомлаб оламиз. Сиз эйди дам олинг, — деди кимдир унга.

— Мен бирор етишмовчилик туфайли бу ерга келганим йўқ,— деди отахон. — Шукр, пиру бадавлатман. Лекин ишламай ҳам туролмайман. Бир кун дала кезмасам тобим қочиб қолади, — кулиб давом этди отахон.

Ота бир зум хаёл суриб қолгач, яна пахтазор оралаб кетди...

А. ҚУҚОНБОЕВ,
тарих фанлари доктори.

КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан илҳомланган серқуёш республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қаршилашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Саховатли далаларда, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида, чорвачилик фермаларида зиммадаги юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида қизғин кураш кетмоқда.

Айни пайтда жойларда шонли юбилейни ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олишнинг муҳим тадбирлари амалга оширилянти. Ана шу тадбирларга кўра ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилянти, уларга партия ва давлатимиз мукофотлари топширилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетига бир группа партия ветеранлари таклиф этилди. Уларга тантанали суръатда «Партия сафида 50 йил» нишони топширилди.

СУРАТДА: район партия комитетининг биринчи секретари О. Расулов, республика аҳамиятига молик пенсионер, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Жуманиёз Маҳмудовга «Партия сафида 50 йил» нишони топширмоқда.

А. Тўраев фотоси.

БЕГОНА ЎТЛАРНИ КУЗДА ЙЎҚОТИНГ

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиндари етиштиришнинг замонавий технологиясида бегона ўтларни йўқотишнинг тадбирлар системасига муҳим ўрин ажратилган. Бегона ўтлар пахта далаларида ғўзанинг хавфли кушандаси ҳисобланади. Улар кўплаб минерал моддалар ва сувни истеъмол қилади, экинни бўғиб қўяди, пахта териш машиналарининг унумдорлигини камайтиради, хом ашёни ифлослантириб, тола сифатини пасайтиради.

Қариб ҳамма далаларда гумай, свинорой, қўйпечак, саломалайкум каби бегона ўтлар учрайди. Бу бегона ўтлар уруғлардан, илдизлар ва туганаклар орқали тарқалади.

Пахта ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг ерларни ҳайдаш бошлангунга қадар бўлган муддат кўп йиллик бегона ўтларга қарши кураш оптимал муддат ҳисобланади. СоюзНИХИ маълумотларига кўра, майдонлар кўп йиллик бегона ўтлар билан ўртача даражада зарарланганда илдизлар олиб ташланмай, далапон солинмай ҳайдалганда бегона ўтларнинг тарқалиши камаймайди, балки, аксинча улар кўпайиб кетади.

Экин майдони чизель билан юмшатилгандан сўнг илдизларни йиғиштириб олиб, уларни даладан чиқариб ташлагандан сўнг далапон солинган ҳолда ерларни 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаш кўп йиллик бегона ўтларни бутунлай йўқотиш имконини беради.

Агротехник тадбирлар комплексини химиявий воситалар билан қўшиб олиб бориш кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашнинг самарали йўлидир. Кўп йиллик бегона ўтларни йўқотиш ва уларнинг тарқалиши олдини олиш учун ҳайдалма қатламдан илдизпояларни олиб ташлаш зарур. Махсус агдаргичлар бўлмаганда бу иш қанотсимон қисми бўлмаган осма ва тиркама плуглар, чизель ёки чопиқ культиваторлари, тишли бороналар каби мавжуд машиналар билан амалга оширилади. Культиваторлардан фойдаланганда панжалар оралиги 10-12 сантиметр бўлиши керак. Бу иш қуйидаги тартибда бажарилади: ғўзапоя йиғиштириб олинганидан сўнг тупроқ палахсасини, агдариб берувчи қанотсимон қисми олиб қўйилган плуг билан илдизпоялар жойлашган чуқурликда (15-18 сантиметр) тупроқ даставвал ёппасига юмшатилади. Бунда кесилган илдизлар агдарилиб тупроқ қатлами юзасига чиқади. Сўнгра чизеллар ва культиваторлар билан икки марта (кўндалангига ва узунасига) ишлов берилади. Бу агрегатлар ишчи органларининг юриш чуқурлиги бороналар билан дастлабки юмшатиш чуқурлигига мувофиқ 8-10 сантиметр бўлиши керак. Тупроқ юзасидан батамом илдизларни олиб ташлаш учун тиркама ёки осма тишли бороналар қўлланилади. Йиғиб олинган илдизпояларни транспорт воситаларига ортиб даладан анча жойга олиб бориб, бутунлай йўқотиб юбориш керак.

Сўгориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг қирғоқлари, чорвачилик фермаларининг атрофлари, боғлар, томорқа участкалари бегона ўтларнинг уруғлари кенг тарқалдиган, асосий манба ҳисобланади. Бегона ўтларни ишлов берилмайдиган ерлардан йўқотиш учун турли восита ва усулларни қўллаш керак. Маданий экинлар экилмайдиган майдонларда кўп йиллик ўтларни ўстириш зарур. Қишлоқ хўжалик экинлари экиш мумкин бўлмаган жойлардаги бегона ўтларни барча воситалар: қўл билан юлиб ташлаш ёки гербицидлар билан ишлов бериб йўқотиш керак. Боғларга ва дарахтларнинг қатор ораларига кузги экинларни ёки кузги экинларни дуккакли экинлар билан аралаштириб экиш лозим.

Ирригация тармоқлари яқинидаги қамишларни ва бошқа ўтларни ўриб ташлаш, унга туташ ерларга эса кўп йиллик озуқа экинлари экиш талаб этилади. Электр тармоқлари, қурилиш объектлари ва дала шийпонлари атрофидаги майдонлар бегона ўтлардан тозаланиши шарт.

Пахта майдонларидаги бегона ўтларни йўқотиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тўла-тўкис ва бутунлай маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ҳам таалуқлидир.

Экин майдонларидаги бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиш ҳамда уларнинг тарқалишига йўл қўймаслик келгуси йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш имконини беради.

Бегона ўтларга қарши курашиш муҳим аҳамиятли иш бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши деҳқончилик маданиятини юксалтиришга, ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

А. ИМОМАЛИЕВ,
СоюзНИХИ директори, ВАСХНИЛ академиги.

Б. АЛЕЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор.

О. ЖУРАҚУЛОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг лаборатория мудири, доцент.

Мутахассислар маслаҳати

ФАБРИКА ҚУРИЛМОҚДА ВА ИШЛАМОҚДА

Андижон областининг Қўрғонтепа районида бройлер фабрикаси ишлай бошлади. Унинг ўн иккита кенг ва ёруғ паррандахоналарига Венгрия Халқ Республикасидан келтирилган ва республика учун янги хил «Брейлер-6» туридан 60 мингтага яқин жўжа қўйиб юборилди. Парранда тезда бу ернинг иқлимига кўникди. Фабрикада уларнинг нормал ўсиши учун зарур ҳамма шароитлар яратилган. Паррандахоналар энг янги ускуналар билан жиҳозланган, бутун ишлар комплекси механизациялашган. Махсус установкалар паррандахоналарда микроиқлим вужудга келтириб туради. Фабрика юқори малакали кадрлар билан таъминланган. Қурилиш батамом битгач корхона ҳар йили савдо тармоғига уч миллионта бройлер етказиб беради.

Узптицепромдан хабар қилишларича республикада шу йил янги паррандачилик корхоналари тез суръатлар билан қурилмоқда, уларнинг кўпчилиги қурилиш жараёнининг ўзидаёқ маҳсулот бера бошлаяпти.

Республикада КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқилган комплекс программага кўра бу йил парранда гўшти ва тухум, шунингдек насл етиштирувчи йигирма иккита корхонани ишга тушириш кўзда тутилган. Булар ўн биринчи беш йилликнинг охиригача парҳез гўшт етиштиришни 2,8 баравар кўпайтиришга имкон беради. Бундан ташқари корхона колхоз ва совхозларни сермаҳсул жўжалар билан батамом таъминлаб туради.

(УзТАГ).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил агрессорлари Ливан маъмуриятининг мамлакат тоғлик районларидаги бир қанча аҳоли пунктларини бўшатиш ва бу жойларда миллий армия позициялар ишғол этишига имкон бериш тўғрисидаги талабларини сурбетларча назарписанд этмай Кфар-Матта, Абей Дакур ва Бааварта қишлоқларини ҳамон оккупация этиб турибдилар. Бу қишлоклар кейинги пайтда Тель-Авивнинг кўрсатмаси билан ўнг христиан кучлар чиқарган шиддатли тўқнашувлар майдони бўлиб қолди.

Бекаа водийсидаги Исроил қўшинлари оширилган жанговар тайёр ҳолатда туриб, босиб олинган территорияда мустаҳкам ўрнашмоқдалар, Араб давлатларидаги кучлар составидаги Сурия қисмлари билан Фаластин қаршилик ҳаракати отрядига нисбатан яна бир агрессив хуруж бошлашга тайёргарлик олиб бормоқдалар. Босқинчилар ҳар куни фронт линиясига бронетранспортёрлар, танклар, артиллерия, ўқ-дори ташламоқда. Корун, Жуб-женин, Камед аллоз ва Кфаркук районларида агрессор қўшинлари зўр бериб йиғилмоқда. Осмонда Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари ва вертолётлари ғужғон ўйнамоқда.

Исроилликлар босиб олган районларида террорчиликни кучайтириб, граждан аҳолига нисбатан жазо чораларини тўхтатмаётирлар. Бекаа водийсидан олинган маълумотларга кўра, Исроил солдатлари аҳоли пунктларида қариб ҳар кеча изғиб, «қаршилик кучларига хайрихоҳ» деб шубҳа қилинган кишиларнинг ҳаммасини тинтимоқда ва қамоққа олмоқда. Босқинчилар Жанубий ва Шарқий Ливаннинг бир қанча районларида маҳаллий хоинлардан қўғирчоқ армия тузишга киришдилар.

Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат бирлашган Араб амирликларининг пойтахти Абу Дабида бўлиб ўтган Фаластин революцияси билан бирдамлик оммавий митингида сўзлаб, фаластинлик араб халқининг ажралмас миллий ҳуқуқлари, шу жумладан унинг мустақил миллий давлат тузиш ҳуқуқи тикланмасдан яқин шарқ районида адолатли ва мустаҳкам тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ўрнатиб бўлмайди, деди.

Я. Арафат Қўшма Штатларнинг арабларга қарши сиёсатини қаҳр билан қоралади ва Ливан диёрида Исроил қилаётган жиноятлар ва террор учун асосий жавобгарликни АҚШ зиммасига юклади.

Вашингтонда АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан Исроил ташқи ишлар министри Шамирнинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерда мазкур учрашувга АҚШ билан Исроил «позицияларини уйғунлаштириши», уларнинг Яқин Шарқдаги можаро бартараф этилишини барбод этишга қаратилган тил бириктирувини давом эттириш, деб баҳо берилмоқда. Шамир матбуот конференциясида гапириб, Шульц билан «умумий проблемаларни» Америка-Исроил муносабатларига хос муҳокама қилганлигини айтди. Шамир Ливандан Исроил қўшинлари қачон олиб чиқиб кетилишини айтишдан қатъиян бош тортганлиги эътиборга сазовордир. Давлат департаментининг вакили ҳам Ливандан Американинг денгиз пиёда аскарлари қачон чиқиб кетишини айтишни истамади. Ҳолбуки, Америка денгиз пиёдалари Ливанга «чекланган» муддат билан юборилди, деб илгари эълон қилинганди.

АНТАРКТИДАНИ ЎРГАНИШДАГИ ҲАМКОРЛИК

БЕРЛИН. ТАСС мухбири Анатолий Тюпаев хабар беради: 28-Совет Антарктида экспедициясида қатнашувчи ГДРнинг навбатдаги олимлари ва мутахассислари группаси Берлиндан Ленинград орқали антарктидага жўнаб кетди. Улар Новолазаревская ва Беллинсгаузен станцияларида геологик, геодезик ва биофизик тадқиқотлар ўтказадилар. Шу ишлар чоғида ГДРда яратилган баъзи илмий приборлар ҳар томонлама синаб кўрилади.

Республика олимлари Антарктидани ўрганиш ва унинг сирларини очишда анчагина тажриба орттирдилар. ГДРдан келган биринчи группа олтинчи қитъада бундан 23 йил аввал бўлган эди. Шундан бери у ерда Берлин, Лейпциг, Росток ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги илмий тадқиқот муассасаларининг турли ихтиососликдардан жами 120 дан кўп мутахассислари ишлади.

Антарктидани ўрганишдаги ҳамкорлик — ГДР билан СССР ўртасида муттасил кенгайиб бораётган илмий алоқаларнинг муҳим таркибий қисмидир. Ҳозирги вақтда икки қардош мамлакатнинг юзлаб институтлари ва бошқа ташкилотлари қалин мулоқотда бўлиб турибди, уларнинг мутахассислари фан ва техниканинг кўпгина соҳаларида мингдан кўп йўналиш ва мавзуларни ишлаб чиқмоқдалар.

Б. КАРМАЛ НУТҚИ

КОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари, АДР революцион Кенгаши Раиси Бабрак Кармал Ҳирот шаҳрида партия активи ва меҳнаткашлар намояндалари ҳузурида нутқ сўзлади.

Афғонистон раҳбари «халқни бостиришга ва эзишга, Афғонистон меҳнаткашларини қатъий ва ваҳшийларча эксплуатация қилиш ҳисобига яшашга одатланган кишилар» уюштираётган кирдикорлар ва фитналари қатъиян қоралади. «Империализм ва реакциядаги реакция мана шу халқ душманлари ёрдамида Афғонистонда халқча ва халқ ҳокиматига қарши разил уруш бошладилар, деб таъкидлади у. Олга қараб қилаётган ҳаракатимизга душманлар нечоғлик халақит беришга уринсаларинг, биз уларнинг куни биттаниги яхши биламиз».

Б. Кармал революцион Афғонистонга ҳар жиҳатдан интернационал ёрдам бераётганлиги учун Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Апрель революцияси афғон халқининг иродасига, Совет Иттифоқининг ёрдами ва мададига, барча прогрессив мамлакатлар ва тинчлик кучларининг бирдамлиги ва ҳамкорлигига таянади. Шунинг учун ҳам революция енгилмаслиги, деди у.

ШРИ ЛАНКАНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

КОЛОМБО. Ҳукмрон бирлашган миллий партиянинг бошлиғи Жунус Ричард Жаявардене чоршанба куни бўлиб ўтган президент сайлови натижасида олти йил муддатга Шри Ланка президенти лавозимига яна сайланди. Марказий сайлов комиссиясининг раиси шуни расмий равишда эълон қилди.

Бўлиб ўтган президент сайлови муносабати билан мамлакатда ички сиёсий вазият гоят кескинлашди. Мамлакатнинг кўпгина районларида бир-бирига қарши курашаётган партиявий гуруҳларнинг тўқнашувлари бўлиб ўтди. Пойтахтнинг айрим районларида полиция кўчада тартибсизликка қатнашганларни тарқатиб юборишга ўқ узди ва ёш оқизувчи газ ва ўт очувчи қуроллари ишлатди. Жафнада террорчилик ҳаракатлари қилинди. Шундай бир шароитда сайлов участкалари ёпилганидан кейин икки соат ўтгач президентнинг фармони билан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Пойтахтда ва бошқа шаҳарларда стратегик аҳамиятга молик асосий объектларни армия бўлинмалари ишғол қилдилар.

Ҳозирги кунда Португалияда уй-жой муаммосини ҳал этиш энг қийин масалалардан бири бўлиб турибди. Ярим миллиондан ортиқ кишилар газ, сув, электр энергияси бўлмаган хароба уйларда яшамоқдалар. Мамлакатда уйсизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар шаҳар кўчаларида ётиб, шу ерда ўзлари учун овқат тайёрлашга мажбур бўлмоқдалар.

Суратда: Лиссабондаги камбағаллар кварталида.

АДН-ТАСС фотоси.

ҲУКУМАТГА ҚАРШИ ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

АНТАНАНАРИВУ. Сейшел ороллари республикаси хавфсизлик қўчлари ҳукуматга қарши фитнани фош этдилар. Мамлакат пойтахти Виктория шаҳридан олинган хабарларга қараганда, фитнани республикада ман қилинган Сейшел ороллари қаршилик ҳаракатининг тескарича ташкилоти уюштирган. У ўз олдига президент Франс Альбур Рене бошлиқ тараққийпарвар ҳукуматни ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўйган. Бу гуруҳ ўтган йил ноябрь ойида барбод этилган исённи тайёрлашда қатнашган. Исёнчи ташкилотчилари ирқчи Жанубий Африка Республикасидан ёлланган отрядлар ёрдамида мамлакат раҳбарларини четлаштиришга уринганлар. Сейшел ороллари ҳаётининг ижтимоий, социал ва иқтисодий жиҳатлари юзасидан докладларни тинглашдилар.

Кобул университетининг ректори Асадулло Ҳабиб ТАСС мухбирига шундай деди: бу конференция Афғонистоннинг илмий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Шу конференцияда қилинган энг яхши докладлар Афғонистон ва чет эл матбуотида эълон қилинади. Булар мамлакатимиз фан арбобларига хилма-хил йўналишларда ўз тадқиқотларини давом эттиришга кўмаклашади.

КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗИШИНИ ТАМОМЛАДИ

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон тарихида биринчи илмий методик конференция ўз ишини тамомлади. Конференцияда Афғон олимлари, социалистик мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган илмий ходимлар қатнашдилар. Конференция иштирокчилари илмий ишлар соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашдилар, Афғон жамияти ҳаётининг ижтимоий, социал ва иқтисодий жиҳатлари юзасидан докладларни тинглашдилар.

Марв майдонда синалади

ТОЛА СИФАТИ

Биз пахтакорлар учун ҳал қилувчи палла — йиғим-терим мавсуми қизғин давом этяпти. Бу мавсум ҳосил сифатида ҳам алоҳида салмоқ касб этадиган даврдир. Чунки, йил бўйи катта меҳнатлар эвазига етиштирилган пахтамиз тарозига тушади, ишимиз салмоғи ва сифати қабул пунктида муносиб баҳосини олади. Шунинг учун ҳам биз йиғим-теримни юксак суръат ва сифатга эришган ҳолда, уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати пахта йиғим-теримни янада уюшқоқлик билан олиб боришга даъват этди. Илғор Тошкент технологиясини қўллаш туфайли мўл ва сифатли пахта етиштиришга имконият яратилди. Мурожаатдаги **«Тошкент технологиясини, илғор терим методларини кенг жорий этишга»** деган даъватга қўшилган ҳолда машина теримини шу тажрибага таянган ҳолда олиб борянмиз.

Далаларимизда мавжуд 23 та терим агрегати, 46 та тележка ва бошқа механизмлар 5 та терим-транспорт отрядига уюшган ҳолда юқори унум билан ишлаяпти. Ўз ишини пухта билган чинакам деҳқонлар бошчилик қилаётган юқори ҳосилли бригадаларимиз бирин-кетин маррага етаяптилар. Нор Тўйчиев, Қорахон Ражабов, Райим Эгамбердиев, Раҳмат Мадатов, Ғани Ражабов, Тошмамат Қодировлар бошлиқ коллективлар колхозимизда биринчилардан бўлиб давлат планларини қисқа муддатларда барвақт адо этдилар. Уларнинг ҳаммаси 60—65 центнерлик маррани кўзлаяптилар. Бу бизни ғоят қувонтиради. Ана шундай азамат пахта усталарининг фидокорлиги туфайли ҳам колхозимиз йиғим-теримда олдинда бораётир.

Ҳосилдорликнинг йил сайин ошаётганлиги қувонарли ҳол. Об-ҳаво пахтачилик учун ғоят ноқулай келган ўтган йили ҳам хўжалигимиздаги салкам икки минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил кўтарган эдик. Бу йил эса ҳосилдорликни 44 центнерга етказамиз, деб зиммага янада юксак мажбурият қабул қилганмиз. Ана шунда Ватан хирмонига 8,5 минг тонна қимматли ҳом ашё тошширган бўламиз. Бу эса планда белгиланганидан 2 минг тонна кўп демакдир.

Ялпи ҳосилнинг камида 90 процента юқори сортларга тоширилади. Бу шунчаки айтилаётган гап эмас. Масалан, кейинги 3—4 йил натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, юқори сортларга тоширилган пахта ялпи ҳосилининг 70—80 процентини ташкил этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу пахтакорларимизнинг тажрибаси ва маҳорати йил сайин ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Очиғини айтиш керак, илғарилари ҳосил сифатига у қадар эътибор берилмасди, яхшими-ёмонми, ҳар қалай планни бажарсак бўлди, деган қараш мавжуд эди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Партия ва ҳукуматимиз ҳом ашё сифатини яхшилашга эътиборни кучайтирмоқда, бу соҳада амалий чора-тадбирлар белгиланяпти. Шундай экан, ҳосилни нес-нобуд қилмасдан, сифатли йиғиб-териб олиш шу кунининг шиори бўлиб қолди. Бу ишда, назаримда, майда-чуйда деган тушунчанинг бўлиши мутлақо мумкин эмас. Оддий бир мисол келтираман. Биз қўл теримидаги пахтани пайкал бошида қабул қилаётганимизда, гарчанд этак тўша-тўғри тележкага бўшатилса-да, торози ўрнатиладиган жойни яхшилаб тозалаб, текислаймиз ва албатта брезент ёки шолча тўшаймиз. Бу бир қарашда кўзга илиқмас иш кўринса-да, аммо ҳосил сифатини сақлаб қолишда салмоқли роли бор. Пахтани ўлчаш пайтида, озми-кўпми тўкилиши табиий. Ана ўша озгина пахта ҳам ерга тушиб, тупроқ ва хас-хашакка беланса-ю, уни умумий уюмга қўшиб юборилса, бутун бир тележка пахтанинг сифатининг пасайиши турган гап.

Бугунги кунда ҳосилнинг аксарият катта қисми механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинмоқда. Бу эса пахтачилигимизда техниканинг роли беқиёс ошиб бораётганлиги самараси. Шундай экан илму хислатнинг бу мўъжизасидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишимиз, ҳосилнинг аъло сифатига эришиш учун техника талаб қилган ҳамма тадбирларни бажаришимиз керак.

Масалан, терим агрегати ўт босган, ғўза барги тўкилмаган пайкалларни ёқтирмаслиги ҳаммамизга яхши маълум. Демак, биз техниканинг бу талабларини ҳисобга олишимиз ва бажо келтиришимиз керак. Шундай қиляпмиз ҳам. Аввало, йиғим-терим бошланиши арафасида машина теримига ажратилган пайкалларни қатъий белгилаб чиқамиз. Кейин уни зарпечак, ғўмай, шўра, итузум ва бошқа ўт-ўланлардан батамом тозалаймиз. Дефолиациядан кейин айрим жойлардаги ғўзалар барги тўкилмаса, қайта дефолиация ўтказамиз. Булардан кўзда тутилган мақсад ҳом ашёнинг аъло сифатига эришишдир. Чунки бу тадбирлар агрегатларнинг бешикаст, юксак унум билан ишлашини таъминлайди. Терим агрегатларини маълум тажрибаси бор, ўз ишига меҳр қўйган суворилларимизга топширганмиз. Биз Файзулла Асоев, Умур Бекниёзов, Ҳол Эгамбердиев ва бошқа ўнлаб моҳир механизаторларимиз ишидан ҳақли равишда фахрланамиз. Зиммасига мавсумда 180—200 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олган бу капитанларимиз механизаторлар мусобақасида доимо пешқадамлик қилиб, марра сари дадил яқинлашиб келяптилар.

Механик-ҳайдовчилар танлашда яна бир нарса қатъий ҳисобга олинади. Яъни, агрегатлар ихтиёри даставвал ерга уруғ қадаб, ёз бўйи экинни авайлаб-ардоқлаган олтин кўзда мўл ҳосил яратган механизаторлар қўлига топширилади. Бунинг ҳам маънавий ҳам моддий томонлари бор. Биринчидан, йил бўйи пайкалдан чиқмаган механизатор галвир сувдан кўтарилган пайтда ўз меҳнатининг қадрига етади, ҳар бир чаноқ пахтани авайлайди, нобуд бўлмаслиги, тупроққа, хас-хашакка қоришмаслиги учун жон қўйдиради. Иккинчи томондан эса, шунча меҳнат қилган киши теримда ҳам қатнашиб, моддий манфаатланиши керакда. Шуни таъкидлаш лозимки, теримда қатнашаётган механизаторларимизнинг барчаси биринчи класс механик-ҳайдовчилардир.

Тола сифати ҳақида гапирар эканмиз, бу нисбий тушунча эканлигини, аслида умуман пахта сифати тўғрисида сўз юритаётганимизни сезиб турамиз. **Айтайлик**, чигит оч бўлса ундан сифатли тола кутиш қийин. Магзи, тўқ, тўла пишиб етилган чигитгина узун ва пишиқ бир сўз билан айтганда, сифатли тола беради. Демак пахтанинг аъло сифатига эришиш учун шунга яраша меҳнат қилишимиз, ғўзани дуркун ва серҳосил қилиб етиштиришимиз керак. Бу эса агротехник тадбирларга қатъий риоя қилишни тақазо этади.

Биз буни доимо ёдда тутамиз. Ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 35—40 тоннадан чириндi бериб, далага йилига умуман 50 минг тонна атрофида маҳаллий ўғит чиқарамиз. Бордию, бу ўғит текислаб, ёзиб чиқилса, бутун экин майдонимиз юзасидан 3—4 сантиметрлик махсус қатлам ҳосил бўлади, деган гап. Сувдан фойдаланиш тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Сурункали чаноқлик туфайли зўрма-зўраки очилган салмоқсиз чаноқларни ва аксинча ўта кўп суғорилганликдан сарғайган ғўзадаги нимжон қўсакларни деҳқонларимиз кўп кўришган.

Ён дафтаримда кўп очилаверганидан унниб қолган бир саҳифа бор. Унда атиги уч-тўрттагина рақам ёзиб қўйилган. Улар пахта сортларининг давлат харид нархлари. Масалан, бизнинг «Самарқанд-3» нави пахтанинг (бу йил биринчи марта барча майдонларга мазкур нав экилди) бир килограмми, бордию, бкринчи сортга тоширилса — 61 тийин, тўртинчи сортга тоширилудек бўлса 21 тийиндан ҳақ тўланади. Сифат учун ҳар килограммига 40 тийин! Ахир, биз етиштирадиган 8,5 минг тонна пахта килограммга айлайтириб, пулга чақилса-чи?!

Бу масаланинг иқтисодий томони. Демак, шу жиҳатдан ҳам партия ва ҳукуматимиз пахтакор манфаатини кўзлаб, сифатга кенг йўл очяпти. Пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган шу кунларда буни сира унутмаслигимиз керак.

Отақул ҲУСАНОВ.
Каттақўрғон районидаги Тельман номли колхоз раиси.

Биз ҳаммамиз бугун қалб амри билан пахтакормиз. Бинобарин, меҳнат қилиш қўлидан келган ҳар бир киши бугун «оқ олтин» теримчилари сафида бўлиши керак. Ҳозир биз ҳаммамиз «оқ олтин» терининг талабчан қонунлари асосида яшашимиз ва ишлашимиз лозим.

(Республика партия ва ҳукумат маслаҳатидан).



Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг «оқ олтин» хирмонини тезроқ барпо қилишга муносиб ҳисса қўшаётган механизаторлардан Тоҳир Муҳаммадиев (чапда) ва Раҳмат Маҳмудовлар шу кунларда пахтани ёғин-сочинга қолдирмай тезроқ ва сифатлироқ териб олиш учун жонбозлик кўрсатишяпти. Бу азаматлар 400 тоннадан «оқ олтин» терими мажбуриятларини уддалаш учун фидокорлик кўрсатишмоқда.

Ш. Султонов фотоси.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан пойтахт области пахтакорлари янада ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз заршунослари областда биринчилар қаторида зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажардилар. Бу хирмонга Қўнисбой Йўлдошев бошлиқ бригада коллективи муносиб ҳисса қўшди.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Қ. Йўлдошев илғор теримчилардан Т. Исломова ва Ф. Дўсова ўртоқлар билан.

У. Усмонов фотоси.

ЧЎЛДА ЁНГАН ЧИРОҚЛАР

Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли колхоз пахтакорлари 6,5 минг тоннали улкан «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этиш учун қизғин қураш олиб бормоқдалар. Далалардаги рисқи-рўзимиз бўлган пахтанинг бирор мисқолини ҳам увол қилмай йиғиштириб олиш учун ҳамма бир тану-бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда.

Шу долзарб кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланаётган пахтакорлар терим суръатига-суръат қўшиб, давлатга пахта топширишда районда карвонбоши лар сафида боряптилар. Бунда биринчилар қаторида дастлабки маррага етган Розиқ Худойбердиев, Зиёда Камоловалар етакчи бўлган коллективларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Бу илғор бригадаларда кунига йиллик планнинг 5,5—6 процентигача пахта тайёрлашга эришиляпди. Ҳозир улар социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширяптилар.

Республикада хизмат кўрсатган пахтакор, коммунист Боймурод Рамазонов бошлиқ заршунослар ҳам теримда пешқадамлик қилишяпти. Ўзаро беллашувда бригаданинг Замира Набиева, Гулчеҳра Рамазонова, Дилбар Аслонова каби теримчиларнинг қўллари баланд келяпти. Улар кунига 2,5—3 нормадан пахта териб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли хўжаликда кунига 170 тоннагача «оқ олтин» тайёрланиб қабул пунктларига жўнатилмоқда.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,

БИР ТАН, БИР ЖОН БЎЛИБ

ЛАВҲА

Қўш қаватли совхоз идорасидаги мажлислар залида хўжалик актиблари ва бригада бошлиқлари иштирокида йиғилиш бўлаётганда. Унда учинчи бўлимга қарашли 1-бригада бошлиғи Абдуғани Раҳмонов ҳам навбат олиб гапирди. Абдуғани минбарга чиқиб, дилидаги гапларни лўнда-лўнда қилиб айтиб қўя қолди:

Бу йил баҳордан буён эса 35 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилдик. Лекин ҳосил мўл бўлган. 40 центнердан ошади.

Йиғилиш узоққа чўзилмади. Шу долзарб кунларнинг муҳим масалалари, қилиниши зарур бўлган вазифалар муҳокама этилганидами, вақтнинг қандай ўтганини ҳеч ким сезмади. Мажлис тугаганда кун кеч бўлган, ботиб бораётган қуёшнинг сўнгги қизғиш шафақлари дарахт шохларининг учида ўйнарди.

Абдуғани идорадан чиққан, кеча ҳам уйига бормаганини эслади. Ҳозир бирров кириб ўтмоқчи, уйдан хабар олгач, сўнгра яна далага қайтмоқчи бўлди.

Уйида бир пиёла чой қайнагунчалик фурсат ўтирди. Ҳамма нарса жойида эканлигини билгач, пахталик туфайласини олиб шийпонга жўнади.

Кеч тушиб қолган, ғир-ғир эсаётган дашт шамоли этни жунжиктиради. «Тунов кунги устма-уст ёққан ёмғир йиғим-теримни анчагина орқага сурди, — дея ўйлади Абдуғани йўл-йўлакай. — Ўшандан буён ҳаво ҳам бир мунча совуқ бўлиб қолди. Ҳали очилмаган йирик-йирик кўсаклар ёрида бошлабди. Совуқнинг, ҳосилга-ку зарари тегмайди».

Абдуғани ака чўлни боғбўстонга айлантираётган мард-майдонларнинг бири. Вақт нақадар тез ўтади. Мана, унинг чўлга келиб меҳнат қилаётганига ҳам ўн йилдан ошяпти.

Мирзачўлда ишлаётган кишиларнинг тақдири ўхшаш: даштни ўзлаштириш ниятида турли томонлардан келишган. Бироқ ҳар бирининг келиш тарихи ўзгача.

Абдуғани Раҳмонов ҳам асли жиззахлик. Ота-онаси, қариндошлари ҳозир ҳам ўша ёқда. Зомин районидаги Бешбулоқ қишлоғида яшашади. Тақдир-да, Абдуғани чўлқувар бўлиб, шу ёқларда муқим яшаб қолди.

Уни чўлга етаклаган тоғаси Эргаш Жўраев бўлди. Ўшанда 1972 йилнинг баҳори эди. Кундарнинг бирида Эргаш ака «Қизил ҳорвадор» колхозида тракторчилик қилиб юрган Абдуғанини учратиб, унга маслаҳат солди:

— Жиян, мен яқинда чўлга кетяпман. Бирга боришни истайсанми? Кучингни бир синаб кўрардинг. Тенгқурларинг боришяпти.

Абдуғани шу дамларда бажараётган ишидан қониқмай юрганди. Унинг билагидан қуч ёғилиб, айни ишлайдиган пайти эмасми, бу гапни эшитиб, ғайрати жўшиб кетди.

— Ўзимга қолса-ку, борардим-а. Лекин уйдагилар рози бўлишларми-кин? — деди у бироз иккиланиб.

— Бу ёғини менга қўйиб беравер. Агар асойдил бормоқчи бўлсан, уларни ўзим кўндираман.

Эргаш ака шу куни кечқурун уларникига борди. Абдуғанининг чўлга боришига отаси Ёздонқул ака қаршилик қилмади. Аммо онасини кўндириш қийин кўчди. Нима бўлганда ҳам она-да, фарзандини иссиқ бағридан чиқаргиси, кўзидан йироққа юборгиси келмади.

— Шу ерда ҳам ишлаб юрибди-ку. Бировдан кам жойи бўлмаса. Нима қилади бориб. Эртага-кеч унинг иссиқ-совуғидан ким хабардор бўлади?

— Қўй, онаси. Кўп қатори бориб ишлаб кўрсин. Йигит киши, бир бурда нонни топиб, кўчада ҳам еб кетаверади. Чўлда ишлаш ёқса, хай яхши, бўлмаса, мана иши, жойи, қайтиб келаверади-да, — деди Ёздонқул ака хотинига ётиғи билан тушунтириб.

Бешбулоқлик яна ўн бир киши чўлга отланганди. Эртасига ўн учта бўлиб жўнашда.

Улар келганда совхоз эндигина ташкил топган пайтлар эди. Алоҳида ер ажратиб беришди. Бешбулоқликлар бир бригада бўлиб, Эргаш Жўраевни бригадирликка сайлашди.

Бу ернинг меҳнати бошқача эди. Чўл ҳамон кишидан ғайрат-шижоат, мардлик талаб қиларди. Бир неча бор экин экилганига қарамай, шўрдан, суғсизликдан тақир ернинг юза қисми оқариб ётарди. Одам етишмаслиги туфайли қишда бу ерлар бор йўғи бир мартагина яхоб суви билан суғорилибди. Чўлқуварлар ишни тупроқ шўрини ювишдан бошлашди.

Ҳа, даштнинг меҳнаткаш инсонга сахий сийнасини очиши, бағрида яшириган бойликларни инъом этиши осон бўлмади. Чўл шароитининг қийинчиликларини, табиат иноқликларини зўр бардош билан енгиб, шу йили бешбулоқликлар астойдил ишладилар. Натижада мўл ҳосил яратилди. Коллективда механизаторлик қилаётган Абдуғани эса йиғим-терим машинаси бункеридан 235 тонна «оқ олтин» тўкди.

Кейинроқ Эргаш Жўраев бўлим бошқарувчиси, Абдуғани Раҳмонов эса бригадир этиб сайланди. 6 йилдирки, у бошлиқ бригада аъзолари ишни юксак агротехника талаблари асосида ташкил этиб, пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар.

Ҳосилдорликни ошириш деҳқондан тадбиркорлик билан иш юритишни, иқтисодий изланишни талаб қилади. Шу йил баҳорда ерга чигит қадалаётганда Абдуғани ака анчадан бери ўйлаб юрган фикрини ўртага ташлади. Ўруғни сийрак ташлаш ҳисобига жўяк оралиғини қисқартириш йўли билан ердан самаралироқ фойдаланишни, гектарлар унумдорлигини оширишни таклиф этди.

Алмашлаб экиш методи бу ерда ҳам кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, бригадада меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси жорий этилган. Бу йил бригадада 14 киши меҳнат қилда. Ҳаммаси бир онладан. Отаси Ёздонқул ака ва кичик ўғласи ўзи билан биргаликда ниҳолларга сув таради. Қуёш Мўмин чопик трактори билан ғўзаларни озиқлантириб ишлов берди. Хотини, синглиси, катта фарзандлари эса бошқа юмушларни бажаришди.

Шу кунларда ҳамманинг кўзлаган мақсади битта: у ҳам бўлса тезроқ ғафар марраларинв забт этишдир. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган ғап бор. Совхозда Имомназар Ҳолиқназаров, Ҳазрат Тожибоев, Сафар Қўзибоев, Абдулла Йўлчиев, Шерқул Қаршиев сингари ўнлаб фидокор механизаторларнинг серунум меҳнати қувончли кунларни тобора яқинлаштирмоқда.

...Абдуғани ака ўй-хаёллар билан бўлиб, бўлим идораси жойлашган шийпонга етиб келганини сезмади. Ичкарида, катта хонанинг бир бурчагидаги столда ҳисобчи йигит бугунги иш якунларини ҳисоб-китоб қиларди.

— Ҳорманг, Абдуғани ака, бригадангиз бугун ҳам яхши ишлабди, — деди йигит кулимсираб.

Абдуғани ака ҳам бугунги иш натижасидан мамнун жилмайди. Сўнг ҳисобчи йигит билан, хайрлашиб, бригадаси дала шийпонига томон йўл олди. «Эртага кўрсаткич бундан ошади», — ўйлади у йўлда давом этаркан. Тун қора чойшабини ёймоқда, теварак-атрофга сокинлик чўкканди. Чўлда ҳаёт давомидлигидан, жўшқин меҳнатдан дарак бериб совхоз посёлкаси тарафда, яна узоқ-узоқларда ҳисобсиз чироқлар милтиллаб ёнарди.

Э. ИБРОҲИМОВ,
Оқолтин районидаги Боровилов номли совхоз.

ПАХТАКОР МОНОЛОГИ

Пахтазорда эртадан-кеч терим авжида,
Куч-ғайрат ҳам, шижоат ҳам айни мавжида.
Қўлни берган қўлга бу дам шаҳар ва қишлоқ.
Икки дилда мақсад бир-у, режалар уйғоқ.
Деҳқон билан ишчи фақат маррани кўзлар,
Табиатдан шафқат кутмай, суръатни тезлар.
Эгатларда йўрғалайди «зангори кема»,
Теримчилар, ҳашарчилар саркори кема.
Ҳеч узилмас пахта ортган карвонлар кети.
«Оқ олтин»лар хирмонларда уюлар бетин.
Ҳамма ерда мусобақа шашти шиддаткор,
Областларнинг барчасида ягона қарор.
Кетмасин дер зое асло ҳар бир қутли он,
Қад ростласин тезроқ олти миллионлик хирмон.
«От» чопдирар шу ниятда мардлар майдонда,
Илғорларнинг қўли баланд, омади шонда.
Энг олдинда Тошкент борар, чапдаст чавандоз
(Ҳамма учун ибрат усул, тажрибаси соз!)
Унинг билан из қувишар Хоразм шаддот.
Ёшулли деб ном қозонган абжир тоабад.
Бухоронинг марра сари қадами дадил,
Айтганини дўндиради сўзсиз, беҳижил.
Қорақалпоқ ҳамласида Орол тўлқини.
Манглайида нурланади бахтнинг ёлқини.
Фарҳод, Ширин, Шопурни кашф этган «Навоий»,
Эл-юртига, ваъдасига мудом фидойи.
Сурхон билан Сирдарёнинг қалбида оташ.
Аҳди билан ҳаракати мазмунан туташ.
Наманган-у, Жиззах азал азамат ўғлон,
Ўз юкини даст кўтарар албат Андижон.
Қашқадарё, Самарқанд ҳам шу йўлда яктан.
Фарғонанинг ҳимматидан дил бўлур гулшан.
Аммо ҳали манзилгача икки довон бор,
Об-ҳавонинг феъли эса энди жуда тор...
Жиловини эркин қўйиб, қамчиларг отиш,
Жадаллатинг теримдаги юксак суръатни.
Биласизки, мен Ватанинг бойлик наҳриман,
Ўзбек элни олий бурчи, чексиз фахриман.
Олтин каби қимматлидир ҳар битта толам,
Манфаатдор мендан мудом бутун бир олам.
Халқимизнинг, юртимизнинг бойлиги мендан,
Саҳнйлиги, чунон хотамтойлиги мендан.
Шундай, экан, ҳар фурсатни бой берманг қўлдан,
Олга босинг «Мурожаат» кўрсатган йўлдан.
Дала-даштда грамим ҳам қолдирманг зинҳор.
План тўлиб, қалбларингиз бўлсин бегубор,
Олтмиш йиллик тўйингизга тўёна бўлай,
Байрами куни ёнингизда мен ҳам ўлтирай.

Шоҳид ТОҲИРОВ.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР ДАЛАДА

Баъзи хўжаликларда пахта териш машиналари сифатсиз ремонт қилинганлиги оқибатида айрим агрегатлар ҳозирги ғанимат кунларда тез-тез бузилиб, қимматли вақтнинг бекор ўтишига сабаб бўлмоқда.

(Редакцияга келган хатдан).



— Шу тинг дамларда «зангори кема»ни тўхтатиб қўйишга уялмайсизми?

— Қимматли вақтнинг ўтаётганлиги учун техника ремонтини сифатсиз бажарганлар уялишсин!

А. Холиқов чизган расм.

Катта меҳнатлар эвазига тезроқ йиғиб-териб олишда етиштирилган дурдонамизни тезроқ йиғиб-териб олишда фаол қатнашаётган пахтакор, механизатор ва олиҳимматли ҳашарчиларга намунали маданий хизмат кўрсатишда профессионал санъаткорлар қатори ҳаваскорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бўка район «Октябрь 40 йиллиги» колхози маданият уйи қошидаги 22 нафар ҳаваскордан ташкил топган дуторчи қизлар ансамбли ҳам ана шулар жумласидандир.

Азимжон Яҳёев раҳбарлигидаги мазкур ансабль қатнашчиларини фақат «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригадалари дала шийпонидагина эмас, балки қўшни Карл Маркс номли, «Ленин йўли», шунингдек, «Партия XIX съезди», «Ленинизм» сингари хўжаликлар пахтазорларида ҳам тез-тез учратиш мумкин. Шоҳли коммунистик партия, жонажон диёримиз, дўстлик ва меҳнатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ҳисобига ўз репертуарини бойитаётган мазкур бадиий коллективни райондагина эмас, областда ҳам яхши билишади.

Ансамбль қатнашчиларининг ижрочилик маҳоратларини ошириб боришда музика раҳбари Каримжон Неъматовнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўляпти. Нафиса Дўлдулбекова, Мадина Ҳамидова, Маҳфуза Нуруллаева, Дилноза Ғаффорова, Гулбаҳор Маматова ва Сурайё Қодирова сингари иккинчи истеъдод эгалари ижросидаги шўх, қувноқ ғароналар деҳқонлар, механизаторлар ва ҳашарчиларга манзур бўлмоқда.

А. ТОЛИПОВ.

Газетхонлар материалларимиз ҳақида

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 24 сентябрь сонида чоп этилган «Панадаги айбдор» сарлавҳали мақола юзасидан кенг жамоатчилик ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, редакцияга кўплаб хат йўллаяпти.

Келаётган хатларнинг муаллифлари турли касб эгалари бўлишларига қарамай, фаровон замонамизда худбинлик қилиб, ўз нафси йўлида жиноий ишларга қўл ураётган айрим панадаги айбдорларни жиловлаш, савдодаги «шапка» деган иллатни йўқ қилиш чораларини кўриш, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйишга катта эътибор бериш, улар иши устидан назоратни кучайтириш кераклиги тўғрисида қимматли фикрларни билдирганлар. Энг муҳими ана шу хатларда нопокликка кирган шахсларга қарши аёвсиз курашиш кенг жамоатчилигининг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланади.

Қуйида ана шу хатлардан айримлари эълон қилинади.

ЮЛҒИЧНИНГ ЖАВОБ БЕРИШИ АНИҚ

Бизнинг оиламиз асосан педагоглар ва ишчилар оиласи. Биз бу мақолани оила аъзоларимиз билан биргаликда муҳокама қилдик. Аввало, редакция ҳаётий, муҳим бир масалани газетхонлар муҳокамасига қўйиб жуда тўғри иш қилган.

Кўпинча инсоннинг дилида узоқ вақтлар сақланиб юрган ҳис-туйғуларини оқ қоғоз бетига тушириш учун бирор воқеа, ёки ҳодиса туртки бўлади.

«Панадаги айбдор» мақоласининг муаллифи дилидагиларни очишга ёшлик гулшанининг меҳридарё боғбони, фарзандининг ўқитувчиси юбилеи сабаб бўлган. Қолаверса, ўқитувчининг болалар берадиган совғага эҳтиёжи йўқ. Ҳа, асосий масала бунда эмас, гап «панадаги айбдор» ҳақида.

Маълумки, бизда ҳар бир касбнинг ўзига хос шавқи-завқи бор, ҳар бирини жону дилдан севадиган шайдойлари ҳам бор. Муаллиф вечоғлик ҳаяжон ва алам-ситам билан ёзмасин, у савдо ишининг жонкуяри, касбини жони-дилидан севади ва ўз касбининг иқболи устида қайғуради. У савдо соҳасида кадрлар етишмаётганлиги ва улар устида ғамхўрлик қилиш зарурлиги, айниқса, савдо ходими деган шарафни оқлаш борасида унга тўғаноқ бўлаётган шахсларга қарши курашиш зарур, деган фикрни олдинга суради. У куйиб-ёниб: «Савдо ходимининг шаъни, наҳотки, ҳеч кимни ташвишга солмаса?», — дейди.

Биз шуни ҳам яхши биламизки, савдо соҳасидаги кишилар ҳалол ишлаб ҳеч кам бўлган эмаслар. Ҳар доим яхши ҳаёт кечирганлар. Шунинг учун ҳам муаллиф: «Дўкон ўз номи билан кон деб қўйибдилар», — дейди. Энг муҳими, у баъзи бир ғайри қонуний қилаётган ишларини очиқ эътироф этади ва бунга сабаб бўлаётган «панадаги айбдор»ларни ҳам фош этишга ҳаракат қилади. У баъзи складлардаги халқ ҳисобига бойлик тўплаётган, молу мулк ғаддоларини, кибру ҳаволи шахсларни тилга олади. Тўғри, юлғичлик билан тўпланган бойликнинг кўзга кўринмас микроби бўлади. У ўз хўжасини ҳовлиқтиради, пишқиртиради, ҳатто, айримларини қутуртиради. Лекин, у асосан айбдор деб айрим складларда ишлаётган юлғичларнигина тилга олади. Ҳа, муаллиф асосий айбдор деб уларни кўрсатади. Борди-ю, ўша складдаги юлғичлардан сўрасак улар ҳам айбни кимларгадир тўнтарган бўлур эдилар.

Бизнингча, бундай кўнгилсиз, аҳволни рўй беришининг бир қатор сабаблари бор. Аввало, кадрлар танлаш ва улар билан ишлаш масаласида айрим жойларда ленинча принципга қатъий риоя қилинмаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда. Кадрлар танлашда уларнинг қобилияти, ишчанлиги ва поклиги каби сифатларни асос қилиб олиш ўрнига «ошнаоғайнигарчилик», ёки «шапка» олиш каби ўтмишнинг зарарли саркитлари асосида иш кўрилаётганлиги асосий сабаб бўлса керак.

Баъзи жойларда пок, ҳалол ишловчи нотанишларни чиқиштирмай, ўзларига тегишли, юлғичликка монанд хешларини, ҳатто, уруғ-аймоқларини йиғиш каби носоз ишларга ҳам йўл қўймоқдалар.

Яна иккинчи асосий сабаблардан бири савдода тартиб ўрнатишга, совет қонунчилигининг оғишмай бажарилишини ҳимоя қилишга даъват этилган айрим ходимларнинг қўли нопоклигидадир.

В. И. Ленин давлат, халқ мулкига қўл чўзувчиларга, айниқса, унга қарши курашиш лозим бўлган кишиларнинг порахўрлигига қарши қаттиқ кураш олиб бориш лозим, деб қайта-қайта таъкидлаган эди. Ленин партияси ана шу ленинча принципга оғишмай амал қилишга бизни доимо даъват этиб келмоқда. Ҳамма жойда бунга қатъий амал қилинмоғи даркор.

Ниҳоят, биз ҳамма соҳада, айниқса, савдо соҳасида ишлаётган кадрларни коммунистик ғоявийлик руҳида, халқ мулкига ленинча муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш масаласига доимий эътибор беришимиз керак. Ана шунда бундай жиноятларни олди олинади, «шапка» деган балога чек қўйиш мумкин бўлади. Ўйлаймизки, бу тўғрисида қинғир ишларнинг давлат органлари томонидан албатта олди олиниб, кўзга кўринмас айбдорлар қилмишига яраша жазосини топади. Бунга имонимиз комил.

Раҳимжон УСМОНОВ.
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари кандидати, доцент.

Назира ҲИДОЯТОВА.
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат ветерани.

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Мен «Панадаги айбдор» деган мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақола автори ушбу материали ёзиб, хайрли иш қилган. Унинг айтган ҳар бир сўзи ҳақ. Кўнгилдаги гапларни топиб баён этган. Жумладан, «Мен ўзимни оппоқ қилиб кўрсатаётганим йўқ. Айбим бор, иқрорман. Лекин ажириқ илдизидек томир отиб кетган, баъзи склад мудирларининг кирдикорига нима дейсиз. Аслида йилда «Жигули» машинасини ялгилайдиган, ўғилларининг ЗАГСдан ўтишида 15-20 талаб енгил машиналарни эшиги тагида «ди-дит»латиб қўядиган, одамларни оёқ учида кўрсатадиган, итининг туваги олтиндан бўлиб кетган, айрим склад мудирлари бизни жиноий йўлга бошламаяптими?» дейди ташвиш билан у.

Панадаги айбдорлар учраб туради десак, муболаға бўлмас. Бу текинтомоқ, жиғилдони тошиб еб юборса ҳам ҳазм қиладиган, мўмай пул топишга муккасидан берилиб кетган, нопок кишиларга қарши аёвсиз курашмоқ давлат аҳамиятига молик бўлган, кенг жамоатчиликнинг бурчидир. Текис есанг — тешиб чиқади, дейди доно халқимиз.

Шу ўринда айрим муттасадди ташкилотларга ҳақли эътирозимиз бор. Баъзи ташкилот раҳбарлари, ОБХСС ходимлари, халқ контроли комитетидаги масъул ўртоқлар савдода содир бўлаётган қинғир ишларга бефарқ қарамоқдалар. «сен тегмасанг, мен тегмайман» қабилида иш юритмоқдалар...

Тўғри, савдо ходимларининг барчасини соф виждонли деб бўлмайди. Бизнингча, баъзи сотувчилар ҳам маълум даражада айбдордирлар. Минг афсуски, бирни ўнга урадиган, харидор талаб-эҳтиёжлари тўғрисида сира ўйламайдиганлар ҳам бор. Агар биз яшаётган районда бўлсангиз, панадаги айбдорлар эмас, балки уларнинг ҳомийлари бўлмиш афтидан «қўй оғзидан чўп олмайдиган». ҳақиқатда эса муғомбирликда тенги йўқ, инсофсиз юлғич сотувчиларни ўз кўзингиз билан кўриб, дилингиз ҳижил бўлади. Ўша нопок сотувчи бадавлат яшайди. Данғиллама уйга эга. Тагида енгил автомашина. Халқ ҳақига хиёнат қилиб тўплаган бойлиги эвазига аклга сиғмас тўй ўтказади. Шуниси ажабланарлики, мазкур текинхўр билан мутасадди органлар етарли қизиқмаяптилар.

Ўйлаймизки, савдодаги «ажаб савдолар»ни бартараф этиш йўлида самарали тадбирлар амалга оширилади, совет савдоси қоидаларини бузиб, элни ранжигаётган юлғичлар, панада туриб жиноий ишга қўл ураётганлар жиловлаб қўйилади.

Парда ҲАКИМОВ.
Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози.

ФАҚАТ ПАНАДАГИ АЙБДОР ЭМАС...

Ҳурматли Г. Х. Мен нурафшон диёримизнинг гуллаётган Чимёнидан бўламан. Тўғри, азиз фарзандингиз йиғлаб келмаганда сизни эсламас, билмас эдик. Ёш авлодни коммунистик руҳда камол топтириш, Ленин васиятларига содиқ инсон қилиб тарбиялаш, — замонамиз талаби. Буни ким қандай ado этмоқда? Бирок айрим савдо ходимлари харомхўр чайқовчиларга шароит яратиб беришмоқда. Натижада ҳар куни мўмай пул топаётган виждонсиз, пулни пул билан ўйнамоқда. Ана шундай шахслардан 10, ёки 20 тийин қайтим сўраган назари паст саналади. Ўрни келганда шуни ҳам эслатиш мумкинки, айрим милиция ходимлари майда-чуйда ишлар билан ўралашиб колиб, чайқовда туйни думсиз ютаётган шахсларга нисбатан ҳушёрлик кўрсатмайди.

Ўрток Г. Х. Сиз айтгандек, панада туриб иш қилаётган текин пул топарларнинг юзларига айтиб қўйган яхши, албатта. Оддий сиёҳ ҳам кноскада «елкали» сотилиши ва чайқовчи атторнинг пул топиш манбаи бўлиши инсофданми, инсонийликданми? Борди-ю ўша дўкончидан ҳак талаб қилсангиз иккинчи марта овора бўлиб, нарса сўраманг: ололмайсиз.

Наҳот ота-боболаримиз ана шулар учун жон олиб, жон берган бўлсалар. Биз қанчалик поклик билан инсонийликни улуғласак, келгуси авлод олдида юзимиз шунчалик ёруғ бўлади. Шундай экан бир-иккита текинхўрни фош этиб, жазоси берилса, панадагиларни ёруққа олиб чиқиб, шармисор қилинса, одил совет суди олдида жавоб берса бошқалари ҳам тавбасига таяниб қоларди. Шу нарса ачинарлики, енгил-елпи пул топаётганларнинг фарзандлари ҳам осон пул топиш йўлини излаб, мактабни мутлақо қадрига етмаяпти, келажагини ўйламаяпти. Бу нарса охири яхшиликка олиб бормайди-ку. Бунга ҳам юқоридаги текинхўр, панада юрган устаси фаранглар айбдор. Ана шуларга шароит яратиб берган, ўз нафсини ўйлаб, замоннинг қадрига етмаётганларни фош этиш бутун жамоатчиликнинг муқаддас ишидир.

А. СОБИРОВ.
Чимён қишлоғи.

Андижон шаҳрида янги, учинчи туғруқхона ишга тушди. Ундаги мавжуд уч бўлим замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Туғруқхона қошида Андижон медицина институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси ҳам мавжуд.

Суратда: янги туғруқхона биносининг ташқи кўриниши.

Р. АШУРОВ фотоси.

(ЎзТАГ).

Янги шеърлар

ШУҲРАТ

ЯШАШНИНГ МАЪНОСИ

Мен сизга керакми, дарёлар, айтинг,
Бўлмаса, яшашнинг ҳеч қизиғи йўқ.
Мен сизга керакми, дунёлар, айтинг,
Бўлмаса, яшашнинг ҳеч қизиғи йўқ.
Мен сизга керакми, сайҳон далалар,
Мен сизга керакми, гулу лолалар.
Мен сизга керакми, амма-холалар,
Бўлмаса, яшашнинг ҳеч қизиғи йўқ.
Гар керак бўлмасам қон-қариндошга,
Сафарга отланса йўлчи-йўлдошга,
Мушкулот тушганда ҳар ғариб бошга,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо.
Гар керак бўлмасам элга, элатга,
Ва мадор бўлмасам юртга, миллатга,
Тик таянч бўлмасам она давлатга,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо!
Иўлимдан бир кимса олмаса ибрат,
Боримдан ошмаса юртимда қудрат,
Ишимдан ёмаса халқимга раҳмат,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо.
Мен юрган кўчалар нурга тўлмаса,
Бахтимдан дўсту ёр мамнун бўлмаса,
Ҳаётим тенгдошлар ибрат билмаса,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо.
Қоқилган кишига тирак бўлмасам,
Энг оғир кунида керак бўлмасам,
Юраги ёнида юрак бўлмасам,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо.
Кундан-кун ортмаса дўстларнинг сони,
Туташиб кетмаса жонингга жони,
Беҳуда оқаркан курашда қони,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо.
Баҳраманд бўлмаса элинг ишингдан,
Баҳор барқ урмаса ёзу қишингдан,
Ташаккур ёғмаса яқин кишингдан,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо
Ватанинг бахтини кўркинг билмасанг,
Мунаввар манзилин эркинг билмасанг,
Ардоқли тошини юкинг билмасанг,
Яшашнинг қизиғи йўқдек мутлақо!
Вақт етиб кўзингни юмган чоғингда,
Дўсту ёр бўлмаса сўлу соғингда,
Ўртаниб ёнмаса йўл адоғингда,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо!
Ортингда қолмаса нурли изларинг,
Қадрини топмаса айтган сўзларинг,
Чарақлаб турмаса ундан кўзларинг,
Яшашнинг қизиғи йўқдир мутлақо!

БЎСТОНИ БОР

Ҳар кўнгилнинг ўзга-ўзга орзуси, армони бор,
Ҳар муродингни муяссар этгувчи имкони бор.
Бу ҳаёт ташвишларида ўзга-ўзга рангу ҳол,
Меваларда турли лаззат — ширини, нордони бор.
Ташналаб кезганда билгайсан зилол сув қадрини,
Ҳар муаммо, мушкулотнинг сарҳади, мезони бор.
Ҳар ҳунарнинг, касб-корнинг неажиб сеҳри бўлар,
Жонфидоларни таратган эл ичинда шони бор.
Зим-зиё туннинг мунаввар нурли тонги ҳам бўлар,
Иўлчи, ҳар карвонни бошлаб боргучи сарбони бор,
Ҳар матонинг ўз баҳоси бор, ғуҳарнинг қиймати,
Ул илон заҳрини билсанг, фойдали дармони бор.
Ҳар кишининг феъли ўзга, танлаган йўли бўлак,
Умридан маҳсул кўтарган ҳосилот — хирмони бор.
Шул Бухоро тупроғини кўзга суртгин Мансурий,
Ҳар кишининг она юрти, ўз гўзал бўстони бор.

Бобоқул МАНСУРОВ,
Қизилтепа район радиоэшиттириш редактори.

УЗУКЛИ САБЗИ

Тўрғай боксит бошқармасининг ишчилари — Карповпевларнинг оилавий альбомида ғалати бир фотосурат пайдо бўлди. Унда белига олтин узук таққан каттакон бир сабзи тасвирланган!

Бу йилги куз Раиса Лукьяновна учун дарҳақиқат «олтин куз» бўлди, деб хабар беради ТАСС мухбири. У кўкламда йўқотиб қўйган ниқоҳ узуги қўққисдан сабзи пуштасидан топилди. Узук ўртасида унган кичкина сабзи уруғи уни «топиб берди» «Олтин сабзи» бошоқларидан энг йирғи ҳам бўлди. У икки юз граммдан ошди.

Тянь-Шанда куз. В. Таран фотоларн.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЛА-МАНШ УЧУН МАЁҚ

Франция маъмурлари Ла-Манш бўғозига маёқ қуриш ҳақида қарор қабул қилдилар. Франциянинг денгиз ресурслари масалалари бўйича министри Луи ле Пенсек фикрича бу жой «Денгиз кемалари қатнайдиган дунёда энг хавфли участка» ҳисобланади. Ҳар куни бу ердан 150 та, шу жумладан нефть ташийдиган улкан танкерлар ўтади. 1978 йили «Амоко кадис» кемаси билан юз берган фалокат Францияга жуда қимматга тушди. Франция ҳукумати тўрт йил мобайнида 350 километрли денгиз қирғоғини тозалаш учун 334 миллион франкдан зиёд маблағ сарфлашга мажбур бўлди.

Маёқ қурилиши — Ла-Манш бўғози орқали кема қатнови хавфсизлигини таъминлаш ва денгиз ифлосланишининг олдини олиш бўйича Англия-Франция ўртасида ишлаб чиқилган программанинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу маёқ дунёда энг баланд бўлади. Баландлиги 230 метр бўладиган маёқнинг 130 метри сув остида қурилади. Бу иншоот қурилиши 1985 йили ниҳоясига етади ва 200 миллион франкка тушади.

* * *

ҚАДИМИЙ ИППОДРОМ

Япон археологлари томонидан Японияннинг қадимий пойтахти Нар шаҳрида VIII асрда бунёд этилган императорлик саройи территориясида ипподром қолдиқлари топилди. Территорияни синчиклаб ўрганган олимлар чавандозларнинг мусобақаси ўтказиладиган ва томошабинлар учун мўлжалланган жойларни белгиладилар.

Япон археологларининг фикрича, мамлакатда биринчи марта топилган қадимий ипподром қолдиқлари қадимда Япония чавандозлик мусобақалари ўтказилганлиги ҳақидаги адабий манбаларда ёзилган гапларни тасдиқлайди.

(ТАСС).

ОБ-ҲАВО

(24 октябрдан 30 октябргача)

Октябрь ойининг охирги ҳафтасида ҳарорат кўп йиллик ўртача даражадан 2—4 даража паст бўлиши кутилади. Ҳафтанинг биринчи ярмида республикамизнинг барча территориясида ёмғир ёғиб ўтади. Шимолий ва тоғли районларда эса ёмғирнинг қорга айланиши мумкин. ҚҚАССР, Хоразм области ва Навоий областининг шимолий районларида кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи 5—10 даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг жанубий районларида эса ҳарорат кечаси 3—8, кундузи 13—18 даража иссиқ бўлиши кутилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кунлар исий бошлайди, ёғингарчилик бўлмайди. Республикаларнинг шимолий районларида кечаси 2—7, кундузи 13—18, бошқа территорияларда эса кечаси 5—10, кундузи 17—22 даража иссиқ бўлади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Қишлоқ ҳақиқати ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида ҳамда муассаса ва турар-жойларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Республиканинг қишлоқ жойларида обуна чекланмаган ҳолда ўтказилади.

Обуна баҳоси бир йилга — 7 сўм 80 тийин.

Обуна бўлиш ва матбуотни вақтида етказиб бериш юзасидан барча саволлар бўйича газета редакциясига, унинг жойлардаги мухбирларига, шунингдек, «Союзпечать» агентликларига мурожаат қилишингиз мумкин.

СПОРТ

● ФУТБОЛ

ҒОЛИБЛИК ИШТИҲОҚИ

Биринчи лига командалари яна уч турдан сўнг бу йилги мавсумга якун ясашади. Айни пайтда, айниқса, кучлилар сафига йўлланма берувчи икки ўрин учун ниҳоятда кескин кураш бормоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, олий лигага чиқиш учун бир йўла беш команда даъвогарлик қилиб турибди.

Ўтган жума куни биринчи лигада 10 учрашув бўлди. Олти ўйинда майдон эгалари, фақат бир матчда меҳмонлар ғалаба қозонишди. Уч учрашув дуранг билан тугади. Мазкур ўйинлар давомида дарвозаларга 30 та тўп киритилди. Шулардан 23 таси мезбонлар, 7 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Турнир жадвали пешқадами — Вильнюснинг «Жальгирис» командаси футболчилари навбатдаги ғалабани қўлга киритиб, мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Улар ўз майдонларида Жиззахнинг «Звезда» коллективини қабул қилишди. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган майдон эгалари рақиблар дарвозасига 4 та тўп йўллашди. Жиззахликлар бунга бир тўп билан жавоб беришди, халос. Бу ютуқдан сўнг «Жальгирис» коллективи ҳисобидаги очколар сонини 52 тага етказди.

Воронежнинг «Факел» клуби эса ўз майдонида муҳим очкони бой бериб қўйди. Воронежликлар Ворошиловграднинг «Заря» командаси билан куч синашдилар — 1:1. Москванинг «Локомотив» футболчилари турдан-турга жанговар ўйин намойиш этиб, очколар сонини кўпайтириб боришяпти. Бу турда улар Костромада маҳаллий «Спартак» коллективи билан бўлган ўйинни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига якунлашди.

Олий лигага чиқиш учун даъвогарлик қилаётган командалардан яна бири — Никополнинг «Колос» клуби Ростовда СКА футболчиларининг меҳмони бўлди. Бунда рақиблар қанчалик ҳаракат қилишмасин, муваффақиятга эриша олишмади. — 0:0. Душанбенинг «Помир» командаси Ригада «Даугава» коллективи билан учрашди. Бу ўйинда ҳам ҳисоб очилмай, дарвозалар даҳлсиз қолди.

Энг йирик ҳисоб Волгоградда қайд этилди. Бу ерда маҳаллий «Ротор» клуби Киевнинг СКА командасини қабул қилди. Майдон эгалари учрашувни ҳужумкорликда ўтказиб, меҳмонларни ўйинни етти маротаба майдон марказидан бошлашга мажбур этдилар. Киевликлар бир маротаба муваффақиятга эришишди. Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: — «Шинник» (Ярославль) — «Таврия» (Симферополь) — 2:0, «Динамо» (Киров) — СКА (Одесса) — 3:0, «Гурия (Ланчхути) — «Металлург» (Запорожье) — 2:1.

Энди эътиборингизга командаларнинг турнир жадвалида тутган мавқеини ҳавола этамиз.

	У	Т	О
«Жельгирис»	39	61—32	52
«Факел»	39	56—33	51
«Нистру»	39	60—37	50
«Колос»	39	57—34	50
«Локомотив»	39	57—31	50
«Заря»	39	60—46	44
«Помир»	40	48—47	42
«Шинник»	39	54—55	41
«Даугава»	39	52—46	41
«Металлург»	39	50—36	39
СКА Р.	39	55—49	39
«Таврия»	39	53—47	38
СКА «Карпати»	39	36—36	38
«Ротор»	39	57—56	38
«Искра»	39	52—56	38
«Звезда»	40	56—74	37
«Гурия»	39	45—59	36
«Динамо»	39	41—56	33
СКА Хб.	39	29—48	33
СКА Од.	39	37—45	32
СКА К.	39	30—72	20
«Спартак»	39	18—69	17

Навбатдаги тур 26 октябрда бўлади. Шу куни Жиззахнинг «Звезда» командаси Ригада «Даугава» футболчилари билан учрашади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ДУШАНБА

25 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Совдепо» Телевизион ҳужжатли фильм.
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Олтин боғичли туфли». 2-серия.
11.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Суздаль». Ҳужжатли фильм.
15.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади!»
16.15 «Оналар мактаби».
16.45 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
17.25 «Стадион ҳамма учун».
17.55 «Мунозара клуби».
19.00 «Футбол шарҳи».
19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». МОЛДАВИЯ ССР. Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу сўзи. «Бирдамлик». Ҳужжатли фильм премьераси. Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Дўстларимиз чеҳраси».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 Концерт.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Шимолий елка». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Ватан солдати». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — АСК. 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Дзюдо кураши бўйича СССР чемпионати. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси. музика-педагогика институти камер оркестрининг концерти.
11.30 «Чуй водийси». «Рекламация». Телефильмлар
12.30 География СССРнинг ўрмон саноати.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тип лақабли чумоли». Мультфильм.
18.15 Болалар учун концерт.
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Халқ жасорати саҳифалари» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Халқ контроли экрани».
20.20 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қормёқубов номли Узбек Давлат филармониясининг солисти А. Орифжонов концерти.
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Оқ кема». Бадиий фильм.
21.30 Москва. «Время».
00.05 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИКАТИ» «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р-02289.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрни босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.
Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1145. 1 2